



БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2021 йил “14” январь

825 - сонли

Бухоро шаҳар
(шартнома тузилган жойи)

Бухоро шаҳар Электр тармоқлари (кейинги ўринларда “Корхона”

деб юритилади) нинг низоми асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари **Рузиев Б.** бир тарафдан ва **Бухоро Ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати** (Энергия истеъмолчисининг номи)

(кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) нинг низоми асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари **Баракаев И.К.** иккинчи тарафдан тизимдаги ҳисоб варағи - _____ ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМАНING ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома билан Корхона туташтирилган тармок оркали Истеъмолчига электр энергияси (кейинги ўринларда “Энергия” деб юритилади) бериб туриш мажбуриятини, Истеъмолчи эса қабул қилинган Энергия ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Уланган қуввати 750кВА ва ундан катта бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган Истеъмолчилар олинган Энергиядан ташқари, яна талаб этилган ҳар бир кВт ёки ягона электр энергияси тизимининг юклагичи соатларида қатнашувчи ҳақиқий максимал қувват (кейинчалик “Қувват”) учун ҳақ тўлайди.

II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1 Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми 4408,8888 кВт.с. ни ташкил қилади.*

2.2 Шарнома тузилган кунда етказиб бериладиган Энергиянинг умумий нархи **1984000 сўми**, Қувватнинг нархи 450 сўми (амалда бўлган тариф асосида) ташкил қилади.*

Шундан, бюджет маблағлари ҳисобидан 1984000 сўм, (Бир миллион тўққиз юз саксон тўрт минг сўм)

Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан_ 00 сўм.

2.3 Корхона Истеъмолчига Энергияни (Қувватни) ушбу шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган миқдорда етказиб беради.*

2.4 Корхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия (Қувват) миқдори Энергияни (Қувватни) ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади (2-илова).

Ҳисобга олиш приборлари, шунингдек Корхона билан Истеъмолчиларнинг ҳисоб-китоб қилишига мўлжалланган Энергия ва Қувватни ҳисобга олишнинг бошқа воситалари Корхонанинг Энергия истеъмолини автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизими билан мос келиши, Истеъмолчининг ҳисобидан сотиб олиниши, давлат киёсловидан ўтиши ва ўрнатилиши, бундан кейин эса Корхона вакили томонидан рўйхатга олиниши ва таъғаланиши керак.

2.5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сонли қарорининг 1-иловасидаги Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истеъмолчилар учун Энергия таъминотининг 1-чорак минимал ҳажми 4408,8888 кВт.с.ни ташкил қилади.

III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1 Етказиб берилган Энергия ва Қувват учун ҳисоб-китоб даври бир ой.

3.2 Корхона ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоб-китоб қилиш учун актив ва реактив энергия, шунингдек Қувватнинг ҳисобга олиниши электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида амалга оширилади (3-илова)

* Изоҳ: Бюджет маблағлари бўйича йиллик харажатлар сметаси тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилгунга қадар, вақтинчалик харажатлар сметаларида белгиланган маблағлар доирасидаги сумма ва миқдорлар кўрсатилади.